

ОЙДИН КОНИДА ИШЛАТИШ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШДА КУТИЛАДИГАН МУРАККАБЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Усмонов Қувончбек Маннонович

Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти, катта үқитувчи,

Арапов Собид Зокир ўғли

Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти, талаба

Аннотация: Турли тоифадаги қудукларни бурғилаш жараёнида кесимнинг геологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил қўринишдаги мураккабликлар юзага келади.

Калит сўзлар: Минора, уюмлар, геофизик усууллар, УЧНУ усули, оҳактошлар, параметрик қудук, дебит, фильтр.

Ойдин майдони Ғузар тумани Қашқадарё вилоятида жойлашган. Ойдин майдони Шўртан газконденсат конидан 34 км шимолий – шарқда жойлашган.

Ойдин майдонида №1 изллов қудукини бурғилашда 2774-2595 м оралиғида очиқ стволда синов ишлари олиб борилган, натижеада саноат газ оқими олинган.

Коннинг геологик тузилишига мезо- кайнозой ёшидаги ётқизиқлар қатнашади. Палеозой шаклланмаларида стратиграфик мезозой ётқизиқлари жойлашган, юра ва бўр давридаги чўкинди жинслар мансубдир. Ойдин палеозой ётқизиқларини очиш олдиндан белгиланмаган.

Кон Бухоро – Хива нефтгазлилик обласгининг жанубий – шарқий томонида жойлашган ва Турон платформасининг Амударё эгилмасига тўғри келади. Амударё кўтарилимаси Турон плитасининг энг йирик манфий

тузилмаси ҳисобланади. У Марказий – Қорақумнинг ғарбий этагининг Кизилқум кўтарилилмасида жойлашган, Гиссар ва Зарафшрн тоғ тизмаларининг буртмаларида жойлашган, шимолий – ғарбий йўналиш бўйича 800 км ва кенглиги бўйича 400 км. Кўтарилилманинг чегарасида қуидаги тузилмалма элементлари мавжуд: Бухоро тектоник кўтарилилмасининг Бухоронинг шимолида, Чоржу кўтарилилмасининг жанубий томонида, Қашқадарй кўтарилилмасининг Бешкент эгилмасида жойлашган.

Бухоро – Хива нефтгазлилик регионида Бешкент эгилмаси жанубий – шарқий қисмининг энг четқм қисмида жойлашган, нефть ва газ излов ва қидитрув ишларида истиқболли ҳисобланади ва юқори нефтгазлилик потенциалига эгадир.

Қидибув қудуғи №5 3140 метр чуқурликгача бурғиланган ва ўрта юра ётқизиқларида тўхтатилган.

Ойдир конида излов-қидибув қудукларини бурғилаш ишлари олиб бориш қўшни мойданлардаги геологик-техник шароитларни ҳисобга олиб борилиши ҳамда характерли мураккабликларга эътибор берилиши керак.

1. Бурғилашда қудук усти қисмини ювилиши, қудукнинг деворини ўпирилиши, нобарқарор неоген-тўртламчи тоғ жинсларида лойли эритмаларни ютилиши;

2. Бухоро оҳактош полеоцен бурғилашда лой эритмаларни қисман, баъзида эса катострофик ютилиши, юқори қисмида жойлашган қумоқтош-лоили неоген ётқизиқларини оғнаб кетишга олиб келиши натижасида бурғилаш асбобларини қисилиб қолишига олиб келади;

3. Сенон, турон, сеноман ва алба барқарор бўлмаган қатламларда қудук деворининг ўпирилиши, ковакларни пайдо бўлиши, тарнов шаклланиши, қудук стволини кириши;

4. Сеноман, альб ва неоном-опт қумоқтошларида лойли эритмаларни қисман ютилиши;

5. Кимерж-титон яруси ётқизиқларини бурғилашда тузларни оқиб кетиши натижасида бурғилаш асбобларини ва мустаҳкамлаш тизмасини қисилиб қолиши, лойли эритмаларни чўкмага тушиши ва қудук стволини қисқариши содир бўлади;

6. Рапали линзаларни очища тузли қатламларда тизмаларни пачоқланиши ва рапа пайдо бўлиши ҳолатлари содир бўлади. Бу турдаги мураккабликлар энг хавфли бўлган мураккаблик бўлиб, кўп ҳолатларда қудуқни тўхтатишга олиб келади.

Карбонат юра ётқизиқларини бурғилашда лойли аралашмаларни катострофик ва қисман ютилишлари ва ундан кейин эса газ пайдо бўлиш ҳолатлари кузатилади.

Ушбу конда қудуқларни бурғилаш жараёнида қуйидаги мушкулотлар содир бўлиши мумкин:

- палеоген ва бур ётқизиклари юқори қисми неоген тўртламчи ётқизикларини бурғилашда упирилиш ва кучишилар, бутун кесим бўйлаб ғовакликлар ҳосил бўлиши, маҳсулдор горизонт ва бур ётқизиклари ўтказувчан горизонтларидан ўтишда қудук стволи торайиши, палеоген бухоро ярусидаги оҳактошларда юувчи суюқликни ютилиши, маҳсулдор горизонтда ютилиш ва маҳсулдор горизонтда нефтгаз намоён бўлиши кабилардир.

Қўйилган геологик вазифаларни амалга ошириш мақсадида лойиҳаланган излов қудуқларида очилган чўкинди қатламларнинг литологияси ва қалинликларини ўрганиш, маҳсулдор горизонтларнинг тўйиниш характеристини аниқлаш, очиладиган кесимнинг гаммаактивлиги ҳақида маълумот олиш учун комплекс тадқиқот ишлари режалаштирилган.

1. Газ ва газконденсат майдонларида мустаҳкамланган қудуқларда қувур орақасида газни пайдо бўлиши жиддий турдаги мураккабликларни келтириб чиқариш ҳолатлари ўрганилган.

Кўпгина конларда айниқса, аномал юқори босимли қатламларда мустаҳкамлаш бирикмаси цементлангандан кейин қувурнинг орқа томонида сув, газ пайдо бўлиши сабабли уни бартараф қилиш учун кўп вақт сарфланади.

2. Пайдо бўлишлар сабабли, воситаларнинг сарфи ва бартараф қилишга кетадиган вақтни катта қийматга камайтириш ёки нолга тенглаштириш учун тадбирлар белгиланди.

3. Газ пайдо бўлиши мураккаб ва долзарб муаммолардан биридир. Унинг пайдо бўлиши таъбиатда кўпгина ҳолатлар учун аниқ белгиланмаган. Уларни пайдо бўлишини баъзида тушунтиришлар аниқ эмас, бошқача ҳолатда эса жараённинг механизмларини тушириш сатҳи асосланмаган ва баъзида хатоликларга йўл қўйилган. Шунинг учун газларни пайдо бўлиш ҳолатларини ўрганишга ҳаракат қилдим.

4. Кўпинча газ пайдо бўлишида цемент тошини тоғ жинси ёки мустахкамлаш тизмаси билан “кучсиз контакт” ҳосил қилиши деб кўрсатилади, экспериментал ишланмаларда эса металл қувур ва қудук деворидаги тоғ жинсларини цемент тоши билан ишлашиб кучи нолга тенг деб кўрсатилган. Бунинг асосий сабаби, гилли қобиқни ёки бурғилаш аралашмасининг қатламини мавжудлиги эканлиги асосланди.

5. Газни қатламдан қудукқа кириб келиш диффузия ҳодисаси кам ўрганилган. Кўпгина олимларнинг фикрига мувофиқ шуни айтиш мумкинки, лойланган қудукларга бирлик вақт давомида диффузия бўладиган газнинг миқдори катта бўлмайди чунки, цемент аралашмасининг қисқа муддатда қотиш даврида катта миқдордаги газ қатламндан тизманинг орқасига кириб кела олмайди. Бундан ташқари цементлашнинг тугалланишида лойли эритманинг устидаги цемент устуенинг гидростатик босими юқори бўлади.

6. Юқорида келтирилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, ҳамда бурғилаш ва цементлаш жараёнида газ пайдо бўлишига йўл қўйилмайди ва иқтисодий самарадорликка эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Проект поисков месторождений (залежей) нефти и газа на площади Ойдин.
2. Аминов А.М., «Нефть ва газ қудуқларини қуриш асослари”, Дарслик – Тошкент, 2010 й.
3. Юлдошев Т.Р., Муртазаев А.М. “ Махсулдор қатламларни очиш ва қудуқларни ўзлаштириш.” Қарши- Насаф нашриёти. 2013.